

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD/03/30.12.2021Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎЙЧИЕВА РАЪНО АЛМАМАТОВНА

ЖАНУБИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ҲИНДИСТОННИНГ ИШТИРОКИ
МЕХАНИЗМЛАРИ

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Тўйчиева Раъно Алмамамовна

Жанубий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда Ҳиндистоннинг
иштироки механизмлари3

Тўйчиева Раъно Алмамамовна

Механизмы участия Индии в региональной безопасности Южной Азии
.....26

Tuychieva Rano Almamatovna

Mechanisms of India's participation in ensuring regional security in South
Asia.....48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD/03/30.12.2021Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎЙЧИЕВА РАЪНО АЛМАМАТОВНА

ЖАНУБИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ҲИНДИСТОННИНГ ИШТИРОКИ
МЕХАНИЗМЛАРИ

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Ss243 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Касимова Назокат Анваровна
сиёсий фанлар доктори, профессор

Жалилов Ақтам Ташназарович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD/03/30.12.2021Ss/Tar.21.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел.: (99871) 233-34-24; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел.: (99871) 233-45-21).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кuni тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Д.Б.Сайфуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлар доктори, профессор

О.И.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Э.С.Султонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кечаётган геосиёсий ўзгаришлар, сиёсий ва иқтисодий соҳаларнинг кескин интеграциялашуви ҳамда илмий-техникавий тараққиётнинг давлатлараро муносабатларга таъсирининг кучайиши давлатларнинг барча соҳалардаги ички ва ташқи сиёсий фаолиятида хавфсизликни бошланғич нуқта сифатида кўриш, мавжуд таҳдидларга қарши кураш борасида стратегик ислохотларни олиб бориш эҳтиёжини шакллантирмоқда. Ушбу жараёнда хавфсизлик институтлари бўлган халқаро ва минтақавий сиёсий ташкилотлар, трансмиллий акторлар, давлатлар, жамият ва индивидларнинг институционал мақомини аниқ белгилаш, давлатларнинг турли хавф-хатар омилларига, таҳдидли ҳолатларга самарали превентив чора-тадбирларни кўриш асосида миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш долзарблик касб этмоқда.

Дунёнинг кўпгина илмий марказлари томонидан суверен давлатлар хавфсизлигини таъминлашда – минтақавий жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва минтақавий механизмлар изчил тадқиқ этилмоқда. Хавфсизлик соҳасини минтақалар кесимида ўрганиш тенденцияси мураккаб геосиёсий шароитда ички ва ташқи хавфлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, «минтақавий муаммоларга – минтақавий ечим» тамойили асосида ҳаракат қилиш ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини яратиш имконини оширмоқда. Давлатлараро муносабатларнинг минтақавий хавфсизлик ҳолатига узвий боғлиқлиги ҳамда давлатларнинг яратувчанлик, тартибга солиш ва ривожланиш қобилияти хавфсизлик соҳасида минтақавий институтлар фаолияти, ҳуқуқий норма ва қонунлар ижроси ҳамда хавфсизликни таъминлашнинг самарали механизмларини тадқиқ қилиш заруратини юзага келтирмоқда.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида хавфсизликни таъминлаш масалалари устувор йўналишлардан бири ҳисобланиб, бу борада Ўзбекистоннинг ҳамкор давлатлар билан икки ва кўптомонлама форматлардаги стратегик шериклик алоқалари минтақавий ва глобал масалалар бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, хавфсизликни таъминлаш ва тинчликка эришиш йўлидаги уйғун қарашларни шакллантириш имконини бермоқда. «Бугунги кунда дунё турли таҳдидлар, шу билан бирга, янги имкониятларни ўзида мужассам этган глобал геосиёсий ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Шундай мураккаб шароитда қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда»¹. Шунга кўра, минтақавий ҳамда глобал хавфсизликни таъминлашда стратегик шерикликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4484>

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3958-сон фармонлари, 2019 йил 2 ноябрда икки давлат Мудофаа Вазирлари ўртасида имзоланган «Ҳарбий таълим ва ахборот алмашуви бўйича Шартнома» ва халқаро терроризмга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида»ги Битим, 2021 йил 6 ноябрда эълон қилинган «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертацияда кўйилган вазифаларни таҳлил этишда жаҳон ва ўзбек сиёсатшунослик илмида амалга оширилган тадқиқотларга таянилди.

Жанубий Осиё минтақаси хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда Ҳиндистоннинг сиёсий роли масаласига доир бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, ўзбек олимлари Т.Ғ.Ғиёсов, Т.А.Ходжаева, А.Искандеров, И.Р.Мавлонов, С.М.Мирқосимов, Б.Ибрагимов ва О.Махмудовнинг илмий ишларида халқаро муносабатлар тизимида Ҳиндистоннинг ўрни ва роли, шунингдек, Ҳиндистон-Марказий Осиё, Ҳиндистон-Ўзбекистон муносабатларига эътибор қаратилган бўлса, Р.Алимов, С.Сафоев, Ф.Толипов, А.Жалилов, Н.Жўраев, С.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, М.Рахимов, М.Мухаммадсиддиқов, А.Ҳайдаров ва Р.Самаров² каби сиёсатшунослар минтақавий хавфсизлик масалалари, унинг ўзига хос хусусиятлари, хавфсизликка таҳдид манбалари ва уларга қарши курашишнинг замонавий ёндашувлари бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

Жанубий Осиё минтақаси тинчлигини сақлашдаги Ҳиндистоннинг мақомини белгилашда хавфсизлик муаммолари ва миллий манфаатларнинг

²Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

таснифи Р.Стюарт-Ингерсол, Д.Фреизер, П.Стобдан, Н.Емельянова, С.А.Курбанов, М.И.Парменова, К.Вагнер, Х.Константино, В.В.Шикин, Е.А.Дегтерева, В.Х.Пант, Ж.Жорж, М.Шившанкар, Б.Бузан, О.Ваеве, М.П.Морган, З.Бжезинский, С.Кохен каби хорижлик тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Шунингдек, А.Р.Сикрининг «India's Foreign Policy – Determinants, Issues and Challenges» асарида сиёсий кучларнинг минтақавий жойлашуви ва ҳамкорликдаги чекловлар тўғрисида муҳим маълумотлар келтирилган³.

Жанубий Осиё минтақаси геосиёсий тузилиши, минтақавий хавфсизлик ҳолати, мавжуд таҳдидларга қарши курашиш механизмлари, эришилган ютуқлар ва муаммоли жиҳатлар рус шарқшунослари Н.С.Белов, А.М.Кошкин, Н.В.Галишева, С.И.Говорушко, В.Додонов, Н.Емельянова, Е.Мухидинова, Е.В.Савкович, С.И.Лунев, Т.Л.Шаумян, А.О.Наумов, Р.С.Положевич⁴ ва бошқалар томонидан ўрганилган. Хусусан, С.И.Лунев илмий ишида минтақадаги ички жараёнлар ва Жанубий Осиёдаги дипломатик алоқалар тарихига алоҳида урғу берган. Ҳиндистон билан боғлиқ ядро қуроли омили ҳамда Ҳиндистон ва Покистон муносабатлари таҳлили Н.С.Белов, А.М.Кошкин, М.С.Зайцев, Х.Шах, К.Шах, У.Фарук, Р.А.Бехуриа, Ф.Кауперт, Г.Рамананд, Д.Девараконда, Ж.П.Сингх, Ж.Чанда ва С.Сен, Ш.Патхак, Г.Сингх⁵ тадқиқотларида батафсил ёритилган.

Бугунги кунда Жанубий Осиё минтақавий хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш бўйича Ҳиндистон Республикаси фаолиятининг сиёсий жиҳатлари ўзбек сиёсатшунослигида алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас. Бинобарин, ушбу муаммонинг етарлича ўрганилмагани комплекс тадқиқотлар ўтказиш заруриятини юзага келтиради.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ И-204-4-5 рақамли «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг муштараклиги» илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ҳиндистоннинг Жанубий Осиё минтақавий хавфсизлиги муаммоларини ҳал этишдаги ўрни ва ролини комплекс тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

сиёсий фанларда хавфсизлик категорияси бўйича дастлабки назарий тушунчалар, уларнинг тадрижий тараққиёти борасидаги илмий-назарий тадқиқотларни тизимлаштириш;

Жанубий Осиё минтақавий хавфсизлик тизимини ривожлантириш бўйича стратегиялар ва технологияларни таҳлил қилиш;

³Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

⁴Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

⁵Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

минтақавий хавфсизлик институтларининг Ҳиндистон хавфсизлик тизимини такомиллаштиришдаги ролини изоҳлаш;

ҳозирги геосиёсий ва геоиктисодий ўзгаришлар фонида Ҳиндистоннинг Жанубий Осиё минтақасида тутган ўрни ва хавфсизликни таъминлаш жараёнларидаги иштироки тенденциясининг асосий йўналишларини аниқлаш;

Ҳиндистон миллий хавфсизлигига ички таҳдидлар ҳамда уларни бошқаришдаги асосий технологияларни таҳлил қилиш;

Ҳиндистон Республикасининг ташқи сиёсатини бугунги кундаги минтақавий хавфсизлик манзараси ўзгаришларига нисбатан таснифлаш ҳамда бу юзасидан илмий хулосалар чиқариш;

Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси муносабатларини замонавий хавфсизлик муаммоларини ҳал этиш нуқтаи назаридан ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жанубий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда Ҳиндистоннинг тутган ўрни танланган.

Тадқиқотнинг предметини Жанубий Осиё минтақасидаги янги геосиёсий вазиятда Ҳиндистоннинг хавфсизлик ва барқарорликка даҳл қилаётган таҳдидларга қарши ички ва ташқи сиёсатдаги ислоҳотлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, тизимли таҳлил, экстраполяция, прогнозлаш, институционал ва мантикий ёндашув усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

Ҳиндистон томонидан илгари сурилаётган минтақавий хавфсизлик кенгашини тузиш ва «Сабка саатҳ-сабка викас-сабка вишвас» («Ҳамма қўллаиди-ҳамма ривожланади-ҳамма ишонади») дастурини фаоллаштириш каби сиёсий ташаббуслари зарурият ва пропорционаллик хусусиятларига кўра Жанубий Осиёда давлатлараро ва конфессиялараро зиддиятларнинг олдини олишда интеллектуал, инновацион ва мотивацион индикатор эканлиги исботланган;

Ҳиндистоннинг ўз хавфсизлик тизимини барқарорлаштириш борасидаги стратегик ёндашуви уч босқичда: дастлабки формацион (ички ва ташқи), цивилизацион (миллий, минтақавий ва глобал хавфсизлик даражаларини баҳолаш) ҳамда модернизацион (миллий, минтақавий, кенг минтақавий ва глобал даражада) кўринишларда ривожланаётгани асосланган;

Ҳиндистоннинг хавфсизлик тизимига хос қонунчилик асосларини модернизациялаш, ёшларни мавжуд хавф-хатар омилларидан ҳимоялаш ҳамда жамиятда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклик, ижтимоий назорат функцияларини самарали жорий этишида ички ва ташқи таҳдид омилларига қарши «Кооператив хавфсизлик» концепцияси (ҳарбийлашмаган, ҳамкорлик, мулоқот ва ўзаро ишонч) га таяниши далилланган;

Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини мунтазам ошириб бориш йўлидаги «Хавфсиз макон» превентив сиёсати концептуал асосига кўра минтақа давлатларининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги миллий стратегияларини мувофиқлаштиришда конструктив ва деструктив таъсир кўрсатаётган омил эканлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хавфсизликка эришиш кафолатларини таъминлашнинг минтақавий муаммоларини ечиш контекстида Ҳиндистон Бош вазири Н.Моди «Қўшничилик биринчи» сиёсатининг ажралмас қисми бўлган Минтақада ҳамма учун хавфсизлик ва ривожланиш ташаббуси (SAGAR) нинг хавфсизлик йўналиши таҳлил қилинган; БМТ ХК ва Ҳиндистон Миллий Хавфсизлик Кенгаши (ХМХК) ташаббуси билан SAGAR доирасида минтақавий хавфсизликни ривожлантириш учун Минтақавий коалициянинг тузилиши лозимлиги асосланган;

Ҳиндистоннинг миллий манфаатлари генезисида қашшоқлик ва ишсизлик муаммоларига барҳам бериш, ёшлар жиноятчилиги ва диний-этноик бўлинишни олдини олиш, коррупцияга қарши кураш, терроризм, экстремизм каби таҳдидларни идентификациялашда хавфсизлик институтлари томонидан on-line ва off-line мулоқот, легаллик ва легитимлик, ҳуқуқий-сиёсий меъёрлар, кўп томонлама ҳамкорлик тажрибаси, когнитив ва рефлексив воситалардан самарали фойдаланишнинг сиёсий механизмлари очиб берилган;

ҳозирги замон хавфсизлик муаммоларининг ечимлари контекстида Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикасининг муносабатлари ўрганилган, шунингдек, минтақавий хавфсизликка эришишда «Марказий Осиё билан боғланиш» ва «Ҳиндистон-Марказий Осиё мулоқоти» лойиҳалари ҳамда ШХТ доирасидаги амалий ҳамкорликларни ривожлантириш муҳимлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишнинг назарий ва амалий тадқиқот методлари ҳамда мавзу юзасидан фактографик ва статистик маълумотларнинг таҳлили, соҳага доир илмий адабиётлар ва ижтимоий-гуманитар тадқиқотлардан фойдаланилгани, замонавий халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсий фаолиятга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда концептуал ва амалий аҳамиятга молик ҳулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация материаллари ва ҳулосалари Ҳиндистон Республикасининг замонамизнинг хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишдаги сиёсатини келгусида ўрганиш учун илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистон ва Ҳиндистон сиёсий хавфсизлигини институционал таъминлаш масалаларини

янада ривожлантириш, шунингдек, тадқиқот жараёнида илмий муомалага янги киритилган диссертация мавзуга доир ҳинд, инглиз ва рус тилларидаги адабиётлар ҳақидаги назарий хулоса ва тавсиялардан соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот материалларининг ихтисослашган таълим муассасаларининг ўқув курслари ва дастурларида, Ҳиндистоннинг замонавий сиёсати нуқтаи назаридан минтақавий хавфсизлик муаммолари билан боғлиқ мавзуларда дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маърузалар курсларини ёзишда қўлланилиши ҳамда уларни назарий хулосалар билан бойитиши мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда Ҳиндистон Республикасининг ролини ўрганиш бўйича олинган натижалар, назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

Ҳиндистоннинг минтақавий хавфсизлик кенгашини тузиш, «Сабка саатҳ-сабка викас-сабка вишвас» («Ҳамма қўллайди-ҳамма ривожланади-ҳамма ишонади») дастурини фаоллаштириш ва иқтисодий-сиёсий интеграциялашув борасидаги сиёсий ташаббуслари бўйича илгари сурилган илмий ва амалий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2021 йил 21 августдаги 1302–IV сон Қарори билан тасдиқланган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан баён этилган ғоялар ва ташаббусларни илгари суриш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитасининг 2021 йил 29 сентябрдаги 10/1-07-48-сон маълумотномаси). Натижада илмий ишланманинг амалиётга татбиқ этилиши конференция материалларини бойитишда муҳим асос бўлиб хизмат қилган;

Ҳиндистоннинг миллий хавфсизлик тизимини барқарорлаштириш борасидаги стратегик ёндашуви уч босқич – формацион, цивилизацион ҳамда модернизацион шаклланиб ривожланаётгани билан боғлиқ хулоса ва таклифлардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал демократик партияси Дастурининг V бўлимидаги «Партиянинг хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасидаги вазибалари»да белгиланган «Кучли армия – хавфсизлик ва барқарорлик, халқимизнинг фаровон ҳаётининг кафолатидир» ҳамда «Динамик ва конструктив ташқи сиёсат» йўналишларини шакллантиришда қўлланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал демократик партияси Сиёсий кенгаш ижроия кўмитасининг 2021 йил 29 сентябрдаги 01-27/732-сон маълумотномаси). Натижада Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал демократик партияси Дастурининг соҳага доир йўналишларини шакллантиришда хизмат қилган;

Ҳиндистоннинг бугунги кунда Жанубий Осиё минтақасида олиб бораётган сиёсатини ҳар томонлама ўрганиш ва бундан керакли илмий хулосалар чиқариш лозимлиги нуқтаи назаридан, мазкур диссертация доирасида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг илмий ва амалий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг 2021 йил 23 декабрдаги 05-5/1480-сон маълумотномаси). Натижада институтнинг ахборот-аналитик материалларини тайёрлашда хизмат қилган;

Ҳиндистоннинг хавфсизлик тизимига хос қонунчилик асосларини модернизациялаш, ёшларни мавжуд хавф-хатар омилларидан ҳимоялаш ҳамда жамиятда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклик, ижтимоий назорат функцияларини самарали жорий этишида «Кооператив хавфсизлик» концепцияси (ҳарбийлашмаган, ҳамкорлик, мулоқот ва ўзаро ишонч) га таяниши билан боғлиқ таҳлиллار ва хулосалардан 2021 йилнинг феврал ойидан Ҳиндистон Элчихонаси Лаъл Баҳадур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият марказида амалга оширилишни бошлаган «India: Studies in Arts, Sciences and Social Sciences» лойиҳасида фойдаланилган (Ҳиндистон Элчихонаси Лаъл Баҳадур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият марказининг 2021 йил 18 ноябрдаги 08-25/12-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг билим ва кўникмаларини янада бойитиш учун ташкил этилган маърузалар мазкур лойиҳа ишини яхшилаш ва ривожлантиришга хизмат қилган;

Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини мунтазам ошириб бориш йўлидаги «Хавфсиз макон» превентив сиёсати хусусидаги хулосалардан Марказий Осиё хавфсизлигига таҳдид ва хавфларни самарали бартараф этиш бўйича ечимларни таклиф қилиш билан боғлиқ таҳлилий ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилган (Марказий Осиё халқаро институтининг 2022 йил 7 февралдаги 02/75-сон маълумотномаси). Натижада Марказий Осиё халқаро институтининг минтақа давлатлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришнинг стратегик дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 6 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий иш чоп этилган. Шундан 1 та монография, 19 та илмий мақола, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган 4 та республика ва 9 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 170 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг асосий устувор йўналишлари билан мослиги, тадқиқ қилинаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги аниқланган, илмий тадқиқот усуллари, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинган ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган, ишнинг тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

Тадқиқотнинг **«Жанубий Осиё минтақаси геосиёсий жараёнларини ўрганишнинг назарий-методологик хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобида Жанубий Осиё минтақаси ривожланишида хавфсизлик муаммоларини ўрганишнинг назарий-услубий жиҳатлари, минтақадаги хавфсизлик тизими стратегиялари ва моделлари аниқланиб, хавфсизлик соҳаси бўйича минтақавий интеграциялашувда Ҳиндистон ташқи сиёсатидаги замонавий ёндашувларнинг таъсири ҳамда Жанубий Осиё Минтақавий Ҳамкорлик Уюшмасининг минтақавий хавфсизлик институти сифатида Ҳиндистон хавфсизлик тизими технологияларининг такомиллашувидаги роли масалалари тадқиқ этилган.

«Жанубий Осиё минтақаси хавфсизлик тизими ўзгарувчан сиёсий жараён сифатида ўрганилишининг назарий асослари» номли биринчи фаслда «минтақавий сиёсий жараёнлар» ва «минтақавий хавфсизлик» каби категорияларнинг янги илмий йўналишдаги тадқиқотлар объектига айланишига олиб келган омиллар ҳамда уларни аниқлашда мавжуд ёндашувларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида Жанубий Осиё минтақавий хавфсизлик тизимининг моҳияти очиқ берилган. Ушбу фаслда муҳокамага тортилган сиёсий-ҳуқуқий адабиётлар таҳлили асосида айтиш мумкинки, ҳозирда глобаллашув, урбанизация ва замонавий технологиялар ривожланиш суръатларининг ўсиши натижасида хавфсизликка таҳдид ҳисобланувчи ижтимоий зўравонлик, диний-этник бўлинишлар, қочқинлар сонининг ортиши ва бошқа кўплаб хавфлар кўлами кескин ошиб бормоқда⁶. Бундай мураккаб шароитда халқаро ва минтақавий хавфсизлик институтларига талаб ортмоқда ва уларнинг фаолият самарадорлигини

⁶Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. Серия эксклюзивная классика. АСТ, 2016. – С. 640.; Henry A. Kissinger, World Order. –New York: Penguin, 2014.; Hedley B., The Anarchical Society: A Study of Order in World Politics. –New York: Columbia University Press, 1977; Robert Kaplan, The Revenge of Geography: What the Map Tells Us About Coming Conflicts and the Battle Against Fate. – New York: Random House, 2012. – P 237.; Кузнецов В.Н. Социология безопасности. – М.: Книга и бизнес, 2003.; Ромашкина Н.П., Марков А.С., Стефанович Д.В. Международная безопасность, стратегическая стабильность и информационные технологии. – М.: ИМЭМО РАН, 2020. – 98 с.

оширишнинг изчил механизм ҳамда технологиялари ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, Халқаро тинчлик учун Карнеги фонди, Миллий муҳофафат тадқиқотлар институти, Уруш, революция ва тинчлик бўйича Гувер сиёсий тадқиқотлар институти (АҚШ), Халқаро стратегик тадқиқотлар институти (Англия), Стокгольм халқаро тинчлик тадқиқотлар институти (Швеция), Халқаро тинчлик бригадалари жамоатчилик ташкилоти (Бельгия), Осло тинчлик тадқиқотлари институти (Норвегия) ва бошқа таҳлилий институтлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятлари доирасида бутун жаҳонда ва минтақалар кесимида юзага келаётган муаммолар, икки ва кўп томонлама зиддиятлар ҳамда можароларни ҳал этиш, ҳарбий-сиёсий можаролар бўйича ечимлар таклиф қилиш, халқаро инқирозларни прогнозлаш ва уларга қарши чоралар ишлаб чиқиш каби йўналишларда самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Минтақавий хавфсизлик тизимидаги инқироз шароитида ташқи ва ички таҳдидларни аниқлаш ва саралаш усули уларни қуйидаги гуруҳларга таснифлаш имконини берди: давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий тартибига таҳдидлар, иқтисодий таҳдидлар, инсон хавфсизлигига таҳдидлар, экологик таҳдидлар ва табиий офатлар⁷. Томас де Вал ҳамда Николас вон Твикелнинг эътирофича, можаро кластерлари «музлатилган» можаролар тўпланган ҳудудларни ҳам акс эттириши лозим. Сабаби, «музлатилган» зона билан чегарадош томонлардан бирининг мавжуд чигал масалаларни «муздан эритишга» уриниши нафақат бу макон учун ташқи таҳдид, балки кенгрок геосиёсий чегаралардаги барқарорликка қарши салбий таъсир сифатида ҳам баҳоланиши мумкин⁸. Мавжуд ички ва ташқи таҳдидларнинг қўшни минтақаларга тарқалиш эҳтимоли қанчалик юқорилигини аниқлаш учун экспертлар минтақавий хавфсизлик ҳолатини акс эттирувчи индексни ишлаб чиқдилар. Шунингдек, манбаларда давлат хавфсизликнинг асосий референти эканлиги, хавфсизлик тушунчаси айнан «инсон хавфсизлиги» нуқтаи назаридан талқин қилиниши кераклиги, Жанубий Осиё минтақасининг ўзаро қарама-қарши ижтимоий-сиёсий жамоалар ўртасидаги «тортишув жойи»га айланганлиги, ушбу минтақадаги хавфсизлик тизими издан чиқишининг асосий сабаби бу ерда ижтимоий-иқтисодий тенгсизликнинг сақланиб қолаётганлиги ва бошқа шу каби факторлар устидан қизғин муҳокамалар кечмоқда⁹. Бугунги кунда Жанубий Осиёдаги ҳар қандай мамлакат учун таҳдид бутун минтақа учун ҳам жиддий муаммодир. Бир мамлакат томонидан хавф-хатар ва муаммоларни бартараф этилмаслиги бутун

⁷Терновая Л.О. Внешние и внутренние угрозы безопасности: проблемы измерения. – //Вестник Российской таможенной Академии. – Москва, 2009. – № 2. – С. 68.

⁸Waal T., Twickel N. Beyond Frozen Conflict Scenarios for the Separatist Disputes of Eastern Europe. CEPS, Brussels Rowman & Littlefield International, London, 2020. – P.3-6.

⁹Chari P., Gupta S. Introduction. Human Security in South Asia. New Delhi: Social Science Press, 2003. – P. 13; Mahmud K. Governance and national security: Pakistan – a case study. – New Delhi: Manohar, 2000. – Pp.131–144; Christie R. Critical voices and human security: To endure, to engage or to critique? Security Dialogue 41(2), 2010. – Pp.169–190; Das R. Issues from South Asian politics: Some postcolonial reflections. International Studies Review 14(3), 2012. – Pp.442–454.

минтақанинг тинчлик ва барқарорликка эришиш истагига бевосита таъсир кўрсатади.

Мазкур бобнинг иккинчи фаслида *Ҳиндистон геосиёсий жараёнларининг минтақага таъсирини ёритишининг назарий-методологик тамойиллари* ҳам баён қилиниб, унинг илмий ва концептуал жиҳатлари таҳлилга тортилган. Жумладан, унда дунёдаги қарийб 8 млрд аҳолининг 15,6 фоизига эга Ҳиндистоннинг Жанубий Осиё минтақаси геосиёсий тузилмасидаги ўрни ва минтақа ҳаётидаги ўзгаришларда иштирокини ёритиб берувчи манбалар қиёсий ўрганилди. Ҳиндистон Ҳинд Океани қирғоғида, шунингдек, Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё ўртасида, яъни дунё энергия ва савдо оқимларининг стратегик чорраҳасидаги жойлашуви ҳамда ўзининг сиёсий ва иқтисодий имкониятлари билан минтақа сиёсий жараёнларида муҳим роль ўйнайди. Ҳиндистон Жануби-Шарқий Осиё Минтақавий Уюшмаси (АСЕАН), Жанубий Осиё Минтақавий Ҳамкорлиги Уюшмаси (СААРК), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ва Жаҳон Савдо Ташкилоти каби бирлашмалардаги фаоллиги, БМТ тинчлик операцияларида самарали иштироки, Нарендра Моди «Кўшничилик биринчи» сиёсатининг ажралмас қисми бўлган Ҳинд океани минтақаси бўйича Минтақада ҳамма учун хавфсизлик ва ривожланиш ташаббуси (SAGAR) ва кенгайтирилган минтақада «Марказий Осиё билан боғланиш», «Шарққа ҳаракат» ва «Ғарбни ўйлаб» лойиҳалари, Ҳиндистон—АҚШ ядровий келишуви ва қатор ривожланган давлатлар билан фаол муҳофаза дипломатияси каби ташаббуслари орқали Жанубий Осиёдан ташқарида ҳам ўз имкониятларини кенгайтириб бормоқда.

Ушбу фаслда Ҳиндистоннинг минтақа билан боғлиқ ташқи сиёсати даврий нуқтаи назардан олти асосий босқич (1947-1962, 1962-1971, 1971-1991, 1991-1998, 1998-2013 йиллар ва 2014-ҳозирги кунгача бўлган давр)га бўлиб таҳлил этилган. Мустақилликдан кейинги дастлабки бир неча ўн йилликда Ҳиндистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари кўшилмасликни тарғиб қилиш, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши кураш, зўравонликка йўл қўймаслик, қуролсизланиш ва тинчликни ўрнатишдан иборат бўлди¹⁰. 1980-1990 йилларда Ҳиндистон мафкура ёки сентиментализмдан холи ташқи сиёсатни ривожлантиришга ҳаракат қилди ва бу йўналишдаги асосий вазифа мамлакат хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини ҳамда Ҳиндистон учун тинч ташқи муҳитни таъминлашдан иборат бўлди. М.Адҳикарининг эътирофича, бугунги кунда Ҳиндистон учун ташқи сиёсат — мамлакатда содир бўлаётган воқеалардан узилиб, алоҳида фонда ўйлаб топилган ва амалга ошириладиган элитар (юқори даражадаги), эзотерик (яширин, ички) фаолият эмас, балки миллий мақсадлар ва устуворликларга хизмат қилиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш ҳамда

¹⁰Cohen S.Ph. India, Pakistan and Kashmir // J. of strategic studies. – L., 2002. – Vol. 25, n 4. – P. 32-60; Dhar A. CIA's eye on South Asia. – New Delhi: Manas Publications, 2009. – Pp.56-64; Takenori Horimoto. Explaining India's Foreign Policy: From Dream to Realization of Major Power International Relations of the Asia-Pacific, Volume 17, Issue 3, 2017. – Pp. 463–496// <https://doi.org/10.1093/irap/lcx011>; Murti T.R.V. 1902-1986: Builder of Indian Philosophy. – Builders of Indian Philosophy Series, 1986. – P.391.

мудофаага тайёр бўлиш учун умумий стратегиянинг ажралмас ва муҳим элементига айланди¹¹. Бироқ мамлакат ҳукумати «хавфлилик даражаси паст ташқи сиёсат чегараланган фойда келтириши мумкин», деган нуқтаи назарни кўзда тутиб, ўз имкониятларини синаб кўришда ҳар қандай хавф билан юзма-юз келишга тайёрлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Ҳиндистон Афғонистон, Тибет ва Бирмадаги ички можаролар сабаб юзага келаётган хавфсизлик муаммоларига нисбатан ўз позициясини билдириб, улар билан боғлиқ жараёнларда бевосита иштирок этиб келмоқда¹². Бунда мамлакат Бош вазири Н.Моди томонидан эълон қилинган бутун инсониятни фаровонликка олиб боришда жамоатчилик иштирокининг зарурлигини таъкидловчи «Сабка Саатҳ, Сабка Викас, Сабка Вишвас» («Ҳамма қўллаб-қувватлайди, ҳамма ривожланади, ҳамма ишонади») шиорининг аҳамияти юксак баҳоланмоқда.

«Жанубий Осиё Минтақавий Ҳамкорлик Уюшмасининг Ҳиндистон хавфсизлик тизими технологияларининг такомиллашувидagi роли» номли учинчи фасли Ҳиндистон хавфсизлик тизимининг ривожланишида мазкур ташкилот фаолияти, олдинда турган муаммолар ва мавжуд камчиликлар, амалга оширилган ташаббуслар ва кўзланган истиқболлар таҳлиliga бағишланади. Мелборн Алфред Деакин Институти тадқиқотчиси З.Ш.Аҳмед «Regionalism and regional security in South Asia. The role of SAARC» китобида Жанубий Осиёнинг моҳиятини кенг кўламли ёритишда СААРК нинг ролини юқори баҳолаб, уни «...минтақавий хавфсизлик ва инсон фаровонлигини кафолатловчи восита», дея таърифлайди¹³.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, СААРК Ҳиндистон зиммасига кўшимча масъулиятни юклаши билан бир қаторда мамлакатга минтақадаги етакчилигини намоёиш этиши учун қулай платформани таклиф этади. Уюшма минтақада ўзаро ишонч ва тинчликни ўрнатишга ёрдам бериши билан минтақавий барқарорликка эриштириши мумкин. Зеро, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун ташкилотнинг имкониятлари, ҳаракат ва ташаббуслари барча аъзо давлатлар манфаатларига мос келади.

Ҳозирги босқичда Ҳиндистоннинг минтақавий ва миллий хавфсизлик йўналиши бўйича сиёсатининг асосий йўналишлари, чегарадош давлатлар билан муносабатларнинг Ҳиндистон хавфсизлик сиёсатидаги аҳамияти ва миллий хавфсизлик сиёсатида Хитой омилининг таъсири **«Ҳиндистон хавфсизлик сиёсатида ички ва ташқи таҳдид омилларини баҳолаш ҳамда уларни бошқариш технологиялари»** деб номланган иккинчи бобда муҳокама қилинади.

«Ҳиндистон хавфсизлик тизимида таъсир этаётган ички омиллар ҳамда уларга қарши курашиш механизми» номли биринчи фаслида охириги

¹¹Adhikari M. India in South Asia: Interaction with Liberal Peace building Projects. India Quarterly, 2018. – P. 74(2).

¹²Shivshankar M. India's Foreign Affairs Strategy. Brookings India Impact Series 052020-02. Brookings Institution India Center. Brookings Institution India Center. No. 6, Second Floor, Dr. Jose P Rizal Marg, Chanakyapuri. – New Delhi, May, 2020.

¹³Ahmed Z.Sh. Regionalism and regional security in South Asia. The role of SAARC. Routledge Publisher, 2016. Page-242.

йигирма йилликда миллий хавфсизликка эришиш соҳасидаги Ҳиндистон сиёсатининг ривожланиш тенденциялари илмий тадқиқ этилган. Ҳиндистоннинг миллий хавфсизлигини қандай концепциялаши ва бу жараён сўнги 20 йил ичида содир бўлган воқеалар таъсирида қандай тус олгани хусусида Жанубий Осиё хавфсизлиги, Осиёдаги буюк давлатлар муносабатлари ва курул назорати бўйича мутахассис, Сингапур Миллий университети Жанубий Осиё тадқиқотлари маркази собиқ раҳбари Р.С.Моҳан шундай таъкидлайди: «Дехлиннинг хавфсизлик масаласи «уч концентрик доира»га бўлинган: Ҳиндистоннинг яқин маҳалласи, унинг кенгайтирилган маҳалласи ва глобал доира¹⁴. Ушбу уч даража чуқур ўрганилса-да, унинг моҳияти Ҳиндистон ўзини ўсиб бораётган куч сифатида намоён қилаётган ҳозирги даврда бироз ўзгаради. Тадқиқотда Ҳиндистон билан боғлиқ хавфсизлик мавзуси тўрт муҳим сатҳга бўлиб ўрганилди: ички (миллий), минтақавий (Жанубий Осиё миқёсида), кенгайтирилган минтақа (Марказий, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ)да ва глобал миқёсдаги хавфсизлик. Диссертация мавзусидан келиб чиқиб, асосан дастлабки уч босқич, яъни Ҳиндистоннинг миллий хавфсизлиги, Жанубий Осиё минтақавий хавфсизлиги масалалари, Марказий Осиё билан тинчлик йўлидаги муносабатлари ҳамда улар ўртасидаги ўзаро таъсир жиҳатлари таҳлили марказий ўринни эгаллайди. Унда терроризм, Чап қанот экстремизми, диний-этник айирмачилик ва радикаллаштириш, Шимоли-шарқий худудлар муаммоси, ядровий курулларнинг тарқалиши, наркотик моддалар ноқонуний савдоси, ёшлардаги ишсизлик, уюшган жиноятчилик, ғовакли чегаралар нотинчилиги, ноқонуний миграция, табиий офатлар, экологик таназзул, озиқ-овқат ва сув хавфсизлиги каби муаммолар ҳозирги Ҳиндистоннинг миллий хавфсизлигига таъсир этаётган жиддий омиллар сифатида белгиланади.

Ҳиндистон Миллий Хавфсизлик Кенгаши (ҲМХК) мамлакат миллий хавфсизлик тизимини бошқаришнинг уч босқичли тузилмаси – Стратегик сиёсат гуруҳи, Миллий хавфсизлик бўйича маслаҳат кенгаши ва Бирлашган Разведка кўмитасини бирлаштирувчи олий органга айланди. Ҳиндистон миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган фаолият ривожланди. Бироқ тинчлик ва барқарорликка дахл қилувчи муаммолар ҳам фавқулодда мураккаблашиб бормоқда. Ҳар томонлама мукамал миллий хавфсизлик тизимини режалаштириш ва барча муаммоларга мос ечимларнинг топилиши учун Миллий Хавфсизлик Стратегияси ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим. Мазкур Стратегиянинг «Инсон – Жамиyat – Давлат хавфсизлиги» тамойили асосида ишлаб чиқилиши унинг тизимли ёндашувга асосланиши ва самарали натижага олиб боришига ёрдам беради. Бу Махатма Гандининг «ҳар бир ҳинднинг кўз ёшларини артиш орзуси»ни амалга оширишга имкон беради ва Ҳиндистоннинг миллий қадриятлари ва манфаатларига тўла мос келади.

¹⁴Mohan R.C., Sahni A. India's security challenges at home and abroad. The national bureau of Asian research NBR special report. №39, 2012.

«Чегарадош давлатлар билан муносабатларнинг Ҳиндистон хавфсизлик сиёсатидаги аҳамияти» деб номланган иккинчи фаслда Ҳиндистоннинг «Қўшничилик биринчи» тамойилига асосланган қўшничилик сиёсати унинг минтақавий стратегик ва дипломатик нуқтаи назарининг пойдевори эканлиги, шу сабаб мамлакат ўз қўшилари билан ҳамкорлик муносабатларини максимал даражага кўтаришга ва рақиблари билан келишмовчиликларни минималлаштиришга уринаётгани ҳақида айтиб ўтилади. Х.Константинонинг таҳлилга кўра, Жанубий Осиё тарихи сиёсий бўлинишлар, иқтисодий ва геостратегик фарқлар ҳамда жуда паст даражадаги интеграция хусусиятлари билан белгиланади¹⁵. Бу ҳолат минтақада Ҳиндистоннинг иқтисодий ва хавфсизлик манфаатларига зидлигини англаган ҳолда, мамлакат Бош вазири Н.Моди фаолиятининг бошланғич даврида ноқ минтақавий боғланиш ғоясини ўз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилади. Мавжуд ҳолат шуни кўрсатмоқдаки, Ҳиндистон аста-секинлик билан Жанубий Осиёда икки ва кўп томонлама хавфсизлик архитектурасини қуришга уринмоқда. Бундай таъкидга асос қилиб, икки ривожланиш ҳолатини келтириш мумкин. *Биринчидан*, 2000-йиллардан бошлаб Ҳиндистон кўплаб ташаббуслари орқали Жанубий Осиёдаги деярли барча қўшилари билан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтди. *Иккинчидан*, 2013 йилдан бери Деҳли ҳукумати мамлакатни ҳам минтақада, ҳам Ҳинд океанида «тармоқ хавфсизлиги провайдерига» айланиши кераклигини эътироф этмоқда. Бу воқеалар 1990-йиллардан бери иқтисодий ҳамкорлик ва алоқаларга алоҳида эътибор қаратган Ҳиндистоннинг Жанубий Осиёга нисбатан сиёсатидаги ўзгаришларга мос келади. Натижада минтақа давлатларининг миллий хавфсизлик бўйича нуқтаи назарлари уйғунлашмоқда ва бу йўналишда янада мустаҳкам ҳамкорликларга йўл очмоқда. Қолаверса, ресурсларга талабнинг ўсиши ҳам «қўшничилик» фалсафасининг кенгайишига олиб келмоқда.

2004-2005 йилларга келиб Ҳиндистон ўзининг ноёб иқтисодий муваффақиятини режалаштиришда асосан яқин атрофидаги мамлакатлар хавфсизлигини инобатга олишга уринди. 2009-2010 йиллар ҳисоботида Ҳиндистон минтақада фундаментализм ва экстремизмга қарши ҳимоя сифатида туриб берди. Бу билан мамлакат минтақадаги иқтисодий динамизм ва демократия, барқарорлик ва осойишта яшашнинг марказига айлана бошлади. 2014 йилда эълон қилинган «Қўшничилик биринчи» сиёсати мамлакатнинг яқин қўшничилик ёндашувини қайта тиклади. Бироқ мамлакат қўшилариининг ҳар бири билан ўзаро фарқ қилувчи муносабат тенденцияларига эга бўлиб, баъзи ҳолатларда улар билан ўзаро зиддиятларнинг сақланиб қолаётгани минтақа хавфсизлиги учун жиддий таҳдид дея баҳоланади. К.М.Субрата «War and peace in South Asia: A revisionist view of India-Pakistan relations» («Жанубий Осиёда уруш ва тинчлик: Ҳиндистон-Покистон муносабатларига ревизионист нуқтаи назар»)

¹⁵Constantino X. Sambandh as Strategy: India's New Approach to Regional Connectivity. Brookings India Policy Brief, Brookings Institution India Center, 2020. – Pp. 12-13.

номли асарида Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги қуролланиш пойгаси узок давом этгани, шунингдек, иқтисодий ҳамкорликнинг йўқлиги, Покистондаги фуқаролик ва ҳарбий кучлар ўртасидаги ноаниқ куч мувозанати ва демократиянинг институционал заифлиги каби омиллар улар ўртасида тинчлик ташаббуси бўйича консенсусга эришишни қийинлаштирмоқда», дея изоҳ беради¹⁶.

Шунинг учун минтақада хавфсизлик соҳасида яқинроқ ҳамкорлик қилишга уринишлар аксар ҳолларда Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги зиддиятли муносабатларни ҳал этиш ёки ноанъанавий хавфсизлик муаммолари ечимига йўналтирилган. Бангладеш ва Мянма Ҳиндистоннинг «Шарққа ҳаракат» ва «Қўшничилик биринчи» сиёсатининг марказида турибди. Бутан ва Непал эса Жанубий Осиёдаги Ҳиндистоннинг ҳарбий соҳада энг йирик ҳамкорларига айланишди. Ҳиндистоннинг Ҳинд Океани Минтақаси мамлакатлари – Шри-Ланка, Малдив ороллари, Маврикий ва Сейшел ороллари билан алоқалари унинг SAGAR доирасида ривожлантирилмоқда.

«Ҳиндистоннинг миллий хавфсизлик сиёсатида Хитой омилнинг таъсири» деб номланган учинчи фаслида Хитой минтақавий куч мақомининг ўсиб бориши ҳамда мамлакатнинг Жанубий Осиёга нисбатан дипломатик, иқтисодий ва сиёсий қизиқишларининг кучайиши Ҳиндистоннинг минтақадаги манфаатларига, қолаверса, минтақавий ва миллий хавфсизлик тизимига қандай таъсир этаётганлиги батафсил баён қилинган. Ҳиндистон ва Хитой ўртасидаги зиддиятларнинг пайдо бўлиши ва кучайиб боришига сабаб бўлаётган омиллар қуйидагича таснифланади: 1) Хитой ва Ҳиндистон дунёнинг биринчи ва учинчи иқтисодиёти (сотиб олиш қобилиятига кўра ҳисобланадиган ЯИМ бўйича), икки энг кўп аҳоли сонига эга давлатлар (дунё аҳолисининг қарийб 40%), турли соҳалар ривожланиш тизимининг асосий марказлари ва энг йирик ҳарбий кучлардан ҳисобланишади; 2) Кўплаб салбий параметрлар (Покистон омили, чегара ҳудудлар можароси, Хитойнинг Ҳиндистон қўшнилари билан стратегик алоқалари, ҳарбий зиддиятлар, АҚШ–Ҳиндистон ҳамкорлиги, Жанубий Хитой денгизида эркин ҳаракатланишдаги тўсиқлар, маданий, мафкуравий ва илмий-техникавий соҳалардаги алоқаларнинг сустлиги) икки мамлакат ўртасидаги рақобатни кучайтирмоқда¹⁷; 3) Ҳиндистон ва Хитой бевосита кўшни ядровий кучлардир, улар вақт ўтгани сари ўзларининг ҳарбий ва ядровий имкониятларини кенгайтириб боришмоқда; 4) Радикал диний экстремизм ва терроризм кучларининг фаоллашиши шароитидаги Афғонистон ва Яқин Шарқ мамлакатларига яқинлик ҳам ҳудудлардаги хавфсизлик ҳолатига сезиларли даражада таҳдид солмоқда¹⁸.

¹⁶Subrata K.M., War and Peace in South Asia: A Revisionist View of India-Pakistan Relations. //Contemporary South Asia Vol. 10, No. 3, 2001. – Pp. 361–379.

¹⁷Katharine A., Filippo B. How Pakistan and China Negotiate. Washington, Carnegie Endowment for International Peace, 2021. – Pp. 15-20.

¹⁸Gokhale V. The Road from Galwan: The Future of India-China Relations Vijay Gokhale. Carnegie Endowment for International Peace. – India, 2021. – Pp.13-16.

Хитой Шри-Ланкада ҳам денгиз орқали олиб бориладиган савдо ҳаракати учун муҳим порт воситаларини қидирмоқда. Шубҳасиз, Хитойнинг халқаро салмоғи янада ошганда ва Ҳиндистоннинг қаршилик кўрсатиш қобилияти пасайиб кетганда, Хитой денгиз флотидаги устунлиги билан Ҳиндистонни таъқиб қилиш эҳтимоли ортади. Хитойнинг Малдив оролларидаги ҳаракатлари ҳам унинг Ҳинд океанидаги активларини кўпайтириш ва Ҳиндистоннинг денгиз алоқа йўлларида ҳукмронлигини сусайтиришга қаратилган пухта стратегиясининг бир қисмидир. Хитой Тибетдан ташқари, Шинжонда ҳам муаммоларни бошдан кечирмоқда. Бироқ Ҳиндистон ҳеч қачон улардан фойдаланишга уринмайди. Бундан ташқари, ушбу қийин даврда Деҳлининг Хитойга нисбатан бундай ёндашуви Пекин томонидан қадрланади ва бу икки томонлама муносабатларни якуний тартибга солиш йўлини қисқартириши мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш учун ўтмишда Ху Цзинтао ва Манмохан Сингх томонидан яратилган муаммоли муносабатларни енгиллаштириш учун ҳозирги раҳбарлар сиёсий ирода кўрсатишмоқда. Икки давлат сиёсатчилари ҳам ўз мамлакатларини буюк китъа кучлари эканликлари ва дунё сиёсатида ўзига хос муҳим ўзгарувчан даврларни босиб ўтаётганлари ҳақидаги тушунчадан келиб чиқмоқдалар. Шунингдек, энди улар «денгизлар бекалари» (аввал Англия, кейин АҚШ) ўз ўринларини аста-секин Хитой ва Ҳиндистондек «китъа гигантлари» га бўшатиб беришаётгани ҳақида таъкидлашмоқда¹⁹. Ўзаро савдо айланмасининг йиллик ўсиши 30 фоизни ташкил этгани ҳолда, Хитой аллақачон Ҳиндистоннинг энг йирик ташқи савдо шеригига айланди ва бу борада Қўшма Штатларни биринчи ўриндан сиқиб чиқарди. Бундан ташқари, Пекин Ҳиндистон инфратузилмасига сармоя киритиш учун шароитларни яхшилашга интилоқда.

Диссертациянинг **«Минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда Ҳиндистон-Марказий Осиё ҳамкорлигининг асосий йўналишлари»** деб номланган учинчи бобда Ҳиндистон Республикасининг Марказий Осиё республикалари билан минтақавий тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлидаги ҳамкорлик алоқалари, мамлакатнинг «Марказий Осиёга боғланиш» сиёсати ҳамда икки томонлама ташаббус асосида ташкил қилинган «Ҳиндистон-Марказий Осиё мулоқоти»нинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинади, шунингдек, ҳозирги босқичда минтақавий хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш контекстида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикасининг муносабатлари кўриб чиқилади.

Биринчи фаслида *Тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда Ҳиндистон ва Марказий Осиё ҳамкорлигидаги самарали технологияларга* алоҳида урғу берилиб, Ҳиндистоннинг «кенгайтирилган минтақаси» доирасида Марказий Осиё билан ўзаро алоқалари шарҳига бағишланади. Энди Ҳиндистон Марказий Осиё минтақаси билан алоқаларни ривожлантириш учун ўзининг

¹⁹Позиционирование Индии в мире на фоне укрепляющегося Китая (Outlines of global transformations Volume 10, Number 4, 2017 181) Контуры глобальных трансформаций Том 10, Номер 4, 2017. – С.182.

«Марказий Осиёга боғланиш» ташаббусини эълон қилди. Бундан ташқари, Марказий Осиё республикалари ва Ҳиндистон муносабатларини ривожлантиришда «Ҳиндистон–Марказий Осиё мулоқоти», Шимол-Жануб Халқаро Транспорт Йўлаги ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) доирасидаги лойиҳаларга юқори даражада аҳамият қаратила бошланди. Бош вазир Н.Модининг 2015 йил июнь ойида Марказий Осиё бўйлаб расмий сафари хинд дипломатияси учун нафақат рамзий, балки мантқиққа таянилган стратегик кадам бўлди. Энди Ҳиндистон ҳукуматининг Марказий Осиё сиёсати минтақа билан ўтмишдан боғланган алоқаларни замонавий кўринишда қайта тиклашга қаратилди. Бош вазир Н.Моди фурсатдан фойдаланиб, Ҳиндистоннинг келажакда Марказий Осиёда барча соҳалар бўйича ҳамкорликдаги кун тартибини белгилаб олди.

Айниқса, Афғонистон ҳудудидаги беқарор ва мураккаб вазият Марказий ва Жанубий Осиё учун бирдек жиддий муаммога айланиб, икки минтақа малакатларининг айнан хавфсизлик бўйича умумий муаммолар кўламини кенгайтирмоқда. Бу ҳолат икки минтақа давлатлари олдига биргаликда ҳал этилиши керак бўлган масалалар ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни кўндаланг қўймоқда.

